

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

“СТАТИСТИКА” КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 331.5 (575.1)

ХОЛТАЕВА ЗАРНИГОР ФУРҚАТ ҚИЗИ

МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО МЕҲНАТ БОЗОРИНИНГ
СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ (ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА
РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ МИСОЛИДА)

70410801 – “Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича)”

мутахассислиги бўйича

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ


Илмий раҳбар: и.ф.д. доцент М.А.Умарова

ТОШКЕНТ – 2023

Магистрлик диссертация иши "Статистика" кафедрасида дастлабки
химоядан ўтган.

1 -сонли баённома "27" апрель 2023 й.

Кафедра мудир: Аюбжонов А.




ИМЗО

29.05.23

сана

Илмий раҳбар: Умарова М.А




ИМЗО

29.05.23

сана

Талаба: Холтаева З.Ф




ИМЗО

27.05.23

сана

Диссертация Молия ва бухгалтерия ҳисоби факультетида 2023 йил
"26" 05

№ МСТ-01/6 рақами билан рўйхатга олинган.

Факультет декани  проф., и.ф.д. А.У.Бурханов

Аннотация

Меҳнат бозорини ўрганиш ва уни статистик таҳлил қилиш бугунги кунда иқтисодиётдаги долзарб мавзулардан биридир. Шу сабабдан тадқиқот давомида мавзу доирасида атрофлича иш олиб бордик. Жумладан, мавзуга оид бошқа тадқиқот ишлари, маҳаллий ва хорижий олимлар қарашлари, илмий мақолалари ҳамда мавзу юзасидаги маҳаллий меъёрий ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, адабиётлар шарҳи тайёрладик. Илмий ишимизнинг амалий аҳамиятини ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика Агентлигида меҳнат бозори статистикасини ўрганиш соҳасида қай даражада иш олиб борилаётганлигини кўрдик. Ундан ташқари хориж мамлакатларининг бу соҳадаги тажрибаси билан ҳам танишиб чиқдик. Ўрганилган ва таҳлил қилинган маълумотлар асосида бандлик ва ишсизлик даражасини прогноз қилиш чоралари бўйича илмий ва амалий жиҳатдан асосланган хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқдик.

Калит сўзлар: *меҳнат бозори, меҳнат ресурслари, бандлик, ишсизлик, статистик прогнозлаш, корреляцион-регрессион моделлаштириш.*

Summary

The study of the labor market and its statistical analysis is one of the current topics in the economy today. For this reason, during the research, we conducted extensive work within the scope of the topic. Among other things, we prepared a literature review after studying other research works on the topic, views of local and foreign scientists, scientific articles, and local regulatory documents on the topic. In order to increase the practical importance of our scientific work, we saw how much work is being done in the field of labor market statistics at the Statistical Agency under the President of the Republic of Uzbekistan. In addition, we got acquainted with the experience of foreign countries in this field. Based on the studied and analyzed data, we developed scientifically and practically based conclusions, suggestions and recommendations on the measures of forecasting the level of employment and unemployment.

Key words: *labor market, labor resources, employment, unemployment, statistical forecasting, correlation-regression modeling.*

МУНДАРИЖА

Аннотация.....	3
Мундарижа.....	5
Келтирилган жадваллар рўйхти.....	7
Келтирилган расмлар рўйхати.....	9
Келтирилган қисқартмалар.....	10
КИРИШ.....	11
Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.....	11
Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари.....	12
Тадқиқотнинг асосий муаммолари ва саволлари.....	13
Тадқиқотнинг объекти ва предмети.....	13
Тадқиқот натижаларининг илмий-назарий ва амалий аҳамияти.....	14
Диссертация таркибининг қисқача тавсифи.....	14
I БОБ. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ	16
1.1 Кириш.....	16
1.2 Мавзуга оид илмий-назарий қарашлар шарҳи.....	16
1.3 Мавзуга оид маҳаллий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар шарҳи.....	19
II БОБ. ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ	22
2.1 Тадқиқот дизайни.....	22
2.2 Маълумотларни тўплаш жараёни.....	22
2.3 Таҳлил учун қўлланиладиган усуллар.....	22

2.4	Тадкикотни ўтказиш учун зарур шароитлар.....	23
2.5	Тадкикот жараёнида кутилаётган муаммолар ва уларнинг ечими....	23
2.6	Тадкикотда кутилаётган илмий ва амалий натижалар.....	24
III БОБ. ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР.....		25
3.1	Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозорини статистик таҳлили.....	25
3.2	Россия Федерациясида ишсизлик даражасини ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари билан боғлиқлиги таҳлили.....	44
3.3	Ўзбекистон Республикаси меҳнат бозорига таъсир этувчи омилларнинг эконометрик таҳлили.....	52
ХУЛОСА.....		67
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....		71
ИЛОВАЛАР		74

КИРИШ

Меҳнат бозори ҳар қандай мамлакатнинг ривожланганлик даражасини ва иқтисодий аҳволини кўрсатиб берадиган энг катта индикаторлардан бири бўлибгина қолмай, давлат сиёсати хусусан, аҳолининг бандлиги ва ижтимоий ҳимояси ва албатта турмуш даражасини ифодалаб берувчи кўрсаткич ҳисобланади.

Замонавий илм-фан таҳлил ва прогнозлаш воситаларининг кенг арсеналига эга бўлиб, улар орасида меҳнат бозоридаги мавжуд вазиятни тушуниш ва уни тартибга солиш учун мос воситаларни танлашга ёрдам берадиган статистик, иқтисодий-математик ва эконометрик усуллар муҳим ўринни эгаллайди.

Меҳнат бозорини статистик таҳлил қилиш ушбу тадқиқот воситаларидан меҳнат ресурсларини касблар, корхоналар, ҳудудлар ва тармоқлар бўйича шакллантириш ва тақсимлаш жараёнларини моделлаштириш учун фойдаланишни тақозо этади.

Аҳоли бандлиги кўрсаткичини юқори даражага олиб чиқиш давлат макроиқтисодий сиёсатининг асосий мақсадларидан биридир. Қўшимча иш ўринларини яратувчи иқтисодий тизим ўз олдига ижтимоий маҳсулот ҳажмини ошириш ва шу орқали аҳолининг моддий эҳтиёжларини кўпроқ кондириш вазифасини қўяди. Агар тизим мавжуд меҳнат ресурсларидан тўлиқ фойдаланилмаган ҳолда ишласа, у ҳолда ишлаб чиқариш имкониятларининг энг юқори чўққисига чиқолмайди. Бандлик даражасига бевосита боғлиқ бўлган ишсизлик аҳолининг ижтимоий муаммоларини янада кучайтиради. Шунинг учун бандлик меҳнат бозоридаги мавжуд ҳолатни акс эттирувчи ва иқтисодий вазиятда содир бўлиши мумкин бўлган ўзгаришларни билдирувчи муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Ҳар қандай давлатни иқтисодий ривожланишининг энг муҳим хусусиятларидан бири бу давлат сиёсатининг самарадорлигини, шунингдек, аҳолини иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш